

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДИНОВНА

**МАКТАБ ТАЪЛИМИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК
ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Жўраева Наргиза Жамолидиновна

Мактаб таълимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштириш..... 5

Жураева Наргиза Жамолидиновна

Совершенствование организационно-педагогических условий внедрения менеджмента качества в школьное образование 23

Juraeva Nargiza Jamoliddinovna

Improvement the organizational and pedagogical conditions for the implementation of quality management in school education..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДИНОВНА

**МАКТАБ ТАЪЛИМИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК
ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2443 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегимкулов Узоқбой Шонмқулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуруллаева Шахло Ўқтамовна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Мирсалиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Етабчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" апрел оят 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qarshidu@utmail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 217 -хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (91 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56. e-mail: qarshidu@utmail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "04" апрел да тарқатилди
(2022 йил "04" апрел даги 5 - рақамли реестр баённомаси).



Р.Д. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.д. (PhD), доцент

Ш.У. Нуруллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё ҳамжамиятини ёш авлоднинг замонавий жамиятга тўлақонли кириб боришини таъминлаш учун ҳаётий зарур малакага эга бўлишига йўналтирилган сифатли умумий таълим масалалари ташвишга солмоқда. Шундан келиб чиқиб, мактаб таълимининг сифати давлат хавфсизлиги, глобал барқарорлик, узоқ муддатли ривожланиши ва фаровонликнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Айнан шунинг учун ҳам ЮНЕСКО таълимни ўз фаолиятининг устувор соҳаси деб ҳисоблайди. Сифатли умумий таълим аҳолининг юқори турмуш даражаси кўрсаткичларидан бири бўлиб, гендер тенгликни таъминлаш шарти, ижтимоий ва маданий уйғунлик ва иқтисодий ўсишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Мактаб таълими, илм-фан, маданият ва аҳолининг интеллектуал салоҳиятининг сифати сезиларли даражада замонавий жамиятнинг янада ривожланишини белгилайди, тамаддунга ўзининг доимий мавжудлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда инсон ресурсларига инвестициялар ҳажмини ошириш, ёш авлод учун кенг имкониятларни таъминлаш жараёнини такомиллаштириш, таълим, жумладан, мактаб таълими самарадорлиги кўрсаткичларига эътиборни сезиларли даражада ошириш тенденцияси кузатилмоқда. Бу уларнинг юқори сифатли умумий ўрта таълим олишлари билан боғлиқ бўлиб, асосан, мактаб таълимини сифатли бошқаришнинг ташкилий ва педагогик шароитларига боғлиқ. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб мактаб таълимини ривожлантириш, педагогик жамоада соғлом муҳитни таркиб топтириш, мактаб бошқаруви ва таълим сифати менежментини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда менежментнинг мактаб ичидаги даражасида ҳам ўқувчиларга, ҳам педагогик, ота-оналар жамоаларига узоқ муддатли ва бевосита таъсир кўрсатиш жараёнига доир муаммолар қатор илмий ишларда асосий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда. “Таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилишдан иборатлиги”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, таълим менежери ваколатида, унинг мактаб таълими сифати бошқарувини амалиётга жорий этишга тайёрлашда илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармонлари; 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-

¹ <https://www.lex.uz/docs/3564970> Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

қувватлаш ва халқ таълими соҳасида узлуксиз таълим тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”, 2019 йил 16 ноябрдаги ПҚ-4537-сон “Замонавий мактаблар ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактаб таълими сифати менежментининг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштириш, айниқса, таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга ошириш бўйича илмий асосланган фикрлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти Ислон Каримов асарларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқи ва чиқишларида ёритилган. Ушбу манбалар диссертациямиз изланишининг назарий-методолик асоси бўлиб хизмат қилади.

Таълим соҳаси менежментининг назарий ва амалий масалалари У.Ш. Бегимқулов, Я.У.Исмадияров, У.И. Иноятов, М.Т.Мирсолиева, М.Б.Матназарова, Р.Ш.Ахлиддинов, С.Т.Турғунов каби республикамиз олимлари томонидан ўрганилган. В.А.Сластенин, В.Н.Азаров, А.Беллабарра, А.Е.Бахмутский, Т.А. Кузьменко, Т.М.Сенцова, Г.И.Скворцова, Б.В.Демидов, Т.Харисов, А.М.Моисеев каби МДХ олимларининг тадқиқотларида мактаб таълими сифатини бошқаришнинг турли жиҳатлари ўз ифодасини топган. Хорижий тадқиқотлардан таълим сифатини бошқариш муаммолари қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: HiK.Rampersad, D.Billing, J.Brennan, T.Shah, P.Cooper, B.Czarniawska, K.Genell, R.Deem, K.Brehony ва бошқалар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” амалий лойиҳаси (2015-2017 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб таълимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика фанида мактаб таълими сифатини бошқаришни жорий қилишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштириш муаммосининг назарий таҳлилинини ўтказиш;

мактаб менежерларини таълимни сифат бошқарувига тайёрлашнинг таркибий-мазмуний моделини тайёрлаш;

мактаб таълими сифатини самарали бошқаришга назарий ва амалий ўргатишнинг методик хусусиятларини очиб бериш;

мактаб таълими сифат менежментини жорий этишнинг ўқув модулини тайёрлаш ва унинг амалий самарадорлигини текшириш.

Тадқиқотнинг объектини мактаб таълимининг сифат менежменти жараёни ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мактаб таълими сифат менежментини жорий қилишнинг ташкилий-педагогик шартлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий адабиётлар таҳлили, эксперт баҳоси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, эксперт баҳолаш натижаларини математик-статистика асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

таълим сифатини бошқаришни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби функционал хусусиятлари потенциал сифатини башорат қилиш ва бошқариш тизимини концептуал-тузилмавий, функционал-бошқарув, диагностик-таҳлилий компонентларини ўз ичига олган моделлаштириш орқали аниқлаштирилган;

мактаб менежерларини таълим сифатини самарали бошқаришга тайёрлаш ўқув модулининг замонавий мактаб концепцияси ва сифат бошқаришни шакллантириш методик хусусиятлари вазиятли, адаптив, ижтимоий-маркетинг, муаммоли-йўналтирувчи, дастурий-мақсадли ёндашувларга асосланиб очиб берилган;

мактаб таълими сифатининг бошқариш моделини амалга оширишда таълим менежерларини жамоа билан ишлаш, вақтни бошқариш каби амалий жиҳатдан тайёрлаш шахсий фаолиятни муайян тартибга солиш ва касбий маконда мослаштириш, янгилаш ва фаоллаштириш ҳамда классик функцияларни амалга ошириш учун оптимал бошқаришга доир машғулотлар асосида такомиллаштирилган;

мактаб таълими сифати менежмент тамойилларини, шахсий йўналтирилган ва тарбиялашнинг инновацион технологияларини таълим жараёнига мақсадли жорий этиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси шароитида замонавий мактаб сифати бошқаруви самарадорлигини баҳолаш мезонлари белгилаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси шароитида замонавий мактаб сифати бошқарувини амалга ошириш бўйича тавсиялар тайёрланган;

мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотлар ишлаб чиқилган (мактаб таълим сифатини бошқариш самарадорлигини эксперт баҳолаш сўровномаси);

“Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” номли ўқув кўлланмаси нашр этирилган;

“Мактаб таълими сифатини бошқариш”нинг ўқув модули тайёрланган ва унинг амалий самарадорлиги текширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация иши асосида ишланмалар мажмуаси тайёрланди (мактабда таълим сифатини бошқаришнинг таркибий-мазмуний модели, мактаб менежерларини амалий бошқарув фаолиятига тайёрлашга доир тренинглари, кейслари, “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модули ва бошқалар), уларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси шароитида мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган назарий, эмпирик ва экспериментал натижаларни кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида қўллаш юқори малакали таълим менежерларини тайёрлашда билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши, диссертация тадқиқоти жараёнида тайёрланган воситалардан (мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини эксперт баҳолаш анкетаси) бўлғусида замонавий мактаблар фаолиятини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб таълимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

таълим сифатини бошқаришни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби функционал хусусиятлар бошқарув субъектларини таълим муассасаси ишини режалаштириш, башорат қилиш ва бошқариш тизимини моделлаштириш орқали аниқлаштирилганлигига доир хулосалардан А-1-173-рақамли “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибиятининг 2022 йил 07 мартдаги 07/1-180-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак таълим менежерларида бошқарув жараёнига кадриятли ёндашув кўникмаларини такомиллаштириш имконини берган;

мактаб менежерларини таълим сифатини самарали бошқаришга тайёрлаш ўқув модулининг замонавий мактаб концепцияси ва сифат бошқаришни шакллантириш методик хусусиятлари вазиятли, ижтимоий-маркетинг, муаммоли-йўналтирувчи ёндашувларга таяниб очиб берилганлигига доир илмий хулосалар “Мактаб таълими сифатини бошқариш” Ўқув модули мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятининг 2022 йил 07 мартдаги 07/1-180-сон маълумотномаси). Натижада мактаб менежерлари малакасини ошириш курслари тингловчиларининг сифат бошқарувига оид назарий билимлари доирасини бойитиш имконини берган;

мактаб таълими сифатининг бошқариш моделини амалга оширишда таълим менежерларини амалий жиҳатдан тайёрлаш методикаси жамоа фаолиятини демократик бошқаришга, шахсий фаолиятини оптимал бошқаришга ва вақтни режали бошқаришга доир тренинглар асосида такомиллаштирилганлигига оид методик тавсиялардан “Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция” номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 441-сон буйруғи, 441-004-сон гувоҳномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари менежерларини тайёрлаш методикаси инновацион методлар билан бойитиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (4 таси республика ва 1 таси хорижий журнал) мақола чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Педагогикада таълим менежментини такомиллаштириш муаммоларининг назарий таҳлили**” деб номланган биринчи бобида мактаб таълими сифати каби ижтимоий-педагогик ва бошқарув муаммолари, мактаб

таълимнинг сифат менежменти мазмуни ва функционал тавсифи, замонавий мактаб умумтаълим фаолиятининг тизимли таркиби ҳақида фикр юритилган.

Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий жараёнларни бошқариш, бошқарувчи раҳбар шахсига қўйиладиган талаблар муаммоси долзарб аҳамият касб этган. Чунки раҳбардаги адолатлилиқ, бир сўзлилик, қатъиятлилик ва принципиаллик каби сифатлар жамият аъзолари ўртасидаги муаммоларни бартараф этишга ҳам ёрдам берган.

Шу муносабат билан халқ оғзаки ижоди, Шарқ маънавий мероси, Ғарб файласуфлари, замонавий педагогика, психология, менежмент соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда ҳам раҳбар маънавияти, психологияси ва унинг фаолиятини ташкил этишга доир изланишлар олиб борилмоқда.

Нафақат Осиёда, балки бутун дунёда ўзининг адолатлилиги, бошқарувчилиқ, раҳбарлик ва ҳарбий тактикаси билан машҳур бўлган йирик давлат арбоби Амир Темури “Тузуқлар”ида бошқарувчилиқ маҳорати ҳақида ўз муносабатлари ва тажрибаларини қайд этиб ўтган. Амир Темури ўз қарашларида давлатни бошқариш тамойиллари хусусида ҳам муносабат билдирган: “Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим: кенгаши; машварату маслаҳат; қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; эҳтиёткорлик”². Ўзбекистон Республикасининг замонавий давлат сифатида ривожланиши кўп жиҳатдан унинг ҳар бир фуқароси оладиган мактаб таълимига боғлиқ. Сифат тамойили нафақат умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, балки илмий билимларга асосланган цивилизациялашган жамият қуриш шароитида тегишли ютуқларга асосланган бутун олий таълимни ривожлантиришда етакчилиқ қилади. Кўплаб тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ҳозирги вақтда таълим сифатини баҳолаш дунёдаги ҳар қандай замонавий давлатнинг таълим тизими самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бирига айланди, бирон бир объект ёки тизимни тадқиқ қилиш ва баҳолаш воситаси сифатида мониторингнинг машҳурлиги халқаро даражада ошиб бормоқда.

Шундай қилиб, методологлар ва назарийчиларнинг ўрганилаётган муаммога асосий ёндашувларини умумлаштирилган ҳолда “таълим”, “таълим сифати (жумладан, мактаб таълими сифати)” тушунчалари деганда, нима назарда тутилишини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Албатта, таълим тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Ушбу атаманинг барқарор ва давомий қўлланилишига қарамай унинг маъносини ҳали ҳам асослаш ва англаш жиддий илмий таҳлил қилишни талаб қилади. Бу жиҳатдан У.Ш.Бегимқулов, Я.У.Исмадияров, У.И.Иноятов, М.М.Поташиқ, Н.С.Ланцова ва бошқалар позицияларига кўра, таълим – бу инсоният тараққиётининг асоси, мамлакат ички сиёсатининг устувор тамойилидир. Таълим ва келажак иккита асосий ва ўзаро боғлиқ жиҳат бўлиб, мактаб таълими соҳасидаги ишларни, шу жумладан, уни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини шу нуқтаи назардан кўриб

² Амир Темури ўғитлари: Тўплам. Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов. – Тошкент: Наврўз, 1992. – Б. 75.

чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, муаллифларнинг фикрига кўра, таълим деганда куйидагилар тушунилади:

таълим олувчи шахснинг имкониятлари, хулқ-атворини такомиллаштириш жараёни ва натижаси бўлиб, бунда у ижтимоий етукликка ва индивидуал ўсишга эришилади;

билимларни ўзлаштириш ва тизимлаштириш, ҳаётий ва касбий кўникма ва малакаларни, жамиятдаги социализация механизмларини ўзлаштириш жараёни ва натижаси;

жамият ва давлатнинг инсонни ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашдаги муҳим ижтимоий функцияси³.

Таълим сифатининг асосий тушунчаси, албатта, билим сифати ҳисобланади. Бу тушунча билим турларининг таълим мазмуни элементлари ва шу тариқа ўзлаштириш даражалари билан боғлиқлигини назарда тутди.

Илмий адабиётларда таълим сифати олимлар томонидан иккита кенгликда кўриб чиқилади – назарий-методологик ва функционал-амалий. Шунинг учун ушбу аспект ўз аксини шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида таълим ва тарбия беришга йўналтирилган турли меъёрий ҳужжатлар ва таълим ислохотларида топади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, замонавий мактаб умумтаълим фаолиятининг асосий таркибий тузилишларини учта умумлаштирилган кўринишда тақдим қилиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи компонент, асосан, режалаштириш, моддий-техник таъминлаш, синфлар тармоғи, кадрлар билан таъминлашни ўз ичига олувчи таълим фаолиятининг шароитларини акс эттиради. Иккинчи тузилмавий компонент, ўз моҳиятига кўра, таълим фаолияти жараёнининг ўзини камраб олади, бу нарса ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишни, раҳбарнинг касбий сифатларини, бошқарув фаолиятини назарда тутди. Сўнгги компонент таълим олувчиларнинг, педагогларнинг, раҳбарларнинг мос ютуқларида, замонавий мактабнинг имиджидида очиқ берилувчи таълим фаолиятининг натижаси сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг “Мактаб таълими сифат менежментининг модели ва мазмуни” деб номланган иккинчи бобида мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга тайёрлаш модели ҳамда уларни назарий-услубий тайёрлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Педагогикада мактаб таълими сифати менежментини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштириш муаммоларини

³ Бегимкулов У.Ш. ва бошқалар. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Фан, 2011. – 232 б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дис. ... д-ра пед. наук. – Ташкент: «ИССПО», 2003. – 330 с.; Исмадияров Я.У. Инновационный характер управления качеством образования. // Качество высшего и профессионального образования в постиндустриальную эпоху: Сущность, обеспечение, проблемы. - Казань, 2016. – С. 87-89.; Исмадияров Я.У. Инновационный характер управления качеством образования. // Качество высшего и профессионального образования в постиндустриальную эпоху: Сущность, обеспечение, проблемы. – Казань, 2016. – С. 87-89.; Ланцова Н.С. Потребители в системе образования. // Повышение качества непрерывного профессионального образования: материалы Всерос. науч.-метод. конф. : в 2 ч. – Красноярск, 2005. – Ч. 2. – С. 188-190.; Поташник М.М. Качество образования: проблемы и технология управления. - М.: Педагогическое общество России, 2002. – 352 с.; Поташник М.М. и др. Качество образования в разных образовательных практиках. // Народное образование – 2001. – №7. – С. 123-129.

назарий ўрганиш шуни кўрсатдики, бугунги кунда замонавий мактаб таълимида қуйидагилар орасида қатор объектив фарқлар мавжуд:

мактаб таълими сифати менежментининг самарали тизимини тайёрлашнинг долзарб зарурияти ва уни таъминлайдиган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар асослари назариясининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги;

таълим-тарбия жараёнининг сифатига қўйиладиган замонавий талаблар ва мактаб таълими сифат менежментининг етарли даражада самарадор эмаслиги;

таълим-тарбия жараёнининг сифатини баҳолашнинг тизимли ёндашувига бўлган эҳтиёж ва баҳолаш тизимининг, хусусан, ушбу аспекти микдорий баҳолашни амалга ошириш имконини берадиган мукамал кўрсаткичлар ва мезонларнинг йўқлиги;

замонавий жамият мактабларида таълим-тарбия жараёнининг натижаси сифатига бўлган талабларнинг етарлича юқорилиги ва мактаб таълимининг сифат менежменти учун ягона ёндашувнинг йўқлиги, тегишли методик ишланмалар билан, шунингдек, мактаб таълимида сифат бўйича режалаштириш етарли даражада таъминланмаганлиги.

Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу диссертация тадқиқотлари доирасида аввалги олимларнинг тажрибаси ва ўз натижаларимиз асосида мактаб таълими сифат менежментининг таркибий-мазмуний моделини тайёрладик (1-расм).

Мактаб таълими сифати менежментининг тайёрланган модели ўз моҳиятига кўра қуйидаги ажралмас таркибий қисмларни назарда тутди:

концептуал тузилмавий компонент;

функционал-бошқарув компонент;

диагностик-таҳлилий компонент.

Юқоридаги компонентларнинг ҳар бири яхлит, ўзаро боғлиқ ва жуда мураккаб сифат менежменти жараёнининг босқичи бўлган ҳолда, муайян мақсадга ва ўз моҳиятига эга.

Ўз навбатида, тайёрланган моделнинг асосий мақсади мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга тайёрлаш орқали мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Сифат менежменти мониторингини доимий равишда амалга ошириш керак, яъни доимий равишда таълим жараёнининг ҳолати, мактаб бошқаруви фаолиятини мониторинг қилиши керак. У мезон блокларига кўра қуйидаги ишлар ҳолатини ўз ичига олган:

мактабнинг ўқув-тарбиявий жараёни;


мактабнинг ташкилий-бошқарув фаолияти;

мактабнинг кадрлар билан таъминланиши;

мактабнинг илмий-методик фаолияти;

мактабни ахборот технологиялари билан таъминлаш;

мактабнинг моддий-техник таъминоти.



1- расм. Мактаб таълими сифат менежментининг таркибий-мазмуний модели

Мактаб таълими сифатини бошқариш моделини амалда жорий этишни тўғри таъминлаш ва мактаб менежерларининг назарий тайёргарлигини амалга ошириш мақсадида “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модули яратилди. **Модулнинг мақсади** – мактаб таълимининг сифат менежментини самарали жорий этиш ва умуман бошқарув фаолиятига профессионал тайёргарликни такомиллаштириш нуқтаи назаридан таълим менежерининг профессионал малакасини ошириш.

Модулнинг умумий мантиғи қуйидаги назарий ва амалий вазифаларнинг умумийлигида акс этади:

мактаб таълими сифатини самарали амалга оширишга ёрдам берадиган назарий билимларни ўзлаштириш;

таълим менежерлари ўртасида ижтимоий-педагогик ва бошқарув муаммолари нуқтаи назаридан мактаб таълими сифатининг роли ва аҳамиятини замонавий тушунишни шакллантириш;

таълим менежерларида мактаб таълими сифатини самарали бошқаришнинг мақсади, мазмуни, усуллари ва воситалари тўғрисидаги педагогик билимларни ривожлантириш;

жамиятнинг, муайян шахсларнинг ва давлатнинг тақдим этилаётган таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирадиган, ўқувчиларнинг тегишли ваколатларини самарали таъминлашга қаратилган мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган оптимал раҳбарликни ташкил этиш, мактаб таълимини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш.

Яратилган модулнинг асоси қуйидаги бешта мавзудан иборат:

1-мавзу. “Мактаб таълими сифати ижтимоий-педагогик ва бошқарув муаммоси сифатида”, 2-мавзу. “Мактаб таълими сифатини бошқаришнинг моҳияти ва функционал хусусиятлари”, 3-мавзу. “Мактаб таълими сифатини бошқаришнинг таркибий ва мазмуний модели хусусиятлари”, 4-мавзу. “Мактаб таълими сифатини самарали бошқаришнинг услубий хусусиятлари”, 5-мавзу. “Мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлиги мезонлари”.

Тайёрланган ўқув модулининг асосий мавзуларини танлаш мактаб таълими сифатини бошқаришнинг тайёрланган модели, мактаб муассасаси менежерининг касбий фаолияти вазифалари, умумий таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, унинг сифатини яхшилаш учун мавжуд захиралар билан боғлиқдир.

Мактаб менежерини таълимда сифат менежментини жорий этишга амалий тайёрлаш жараёнини малака ошириш курсларида ташкил этишни тадқиқот мақсадида мувофиқ деб топдик. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб мактаб менежерлари малака ошириш курслари ўқув режасига киритилган “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модулдан амалий машғулотлар ва дарсдан ташқари вақтларда ташкил этиладиган тренинглари давомида мактаб менежерларида таълим сифатини бошқаришга доир малакаларни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга амалий тайёрлашга доир тренинглари ўз ичига машқлар, ўйинлар, кейслар тизимини қамраб олади. Тадқиқот давомида мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга

амалий тайёрлаш учун мўлжалланган тренинглари тўпланди, мослаштирилди ва тизимлаштирилди. Ушбу тренинглари учта гуруҳга таснифлаган ҳолда тизимлаштиришга ҳаракат қилдик:



2-расм. Мактаб менежерларини амалий фаолиятга тайёрлашга доир тренинглари таснифи

Мактаб менежерларини жамоа фаолиятини бошқарувига амалий тайёрлашда “Биз бир жамоамиз!” тренинги (“Қоида асосида ўйнаймиз” ўйини, “Занжирлар” машқи, “Ўйғунлик қонуниятини” машқи, “Ўй қуриш” машқи, “Бирлаштирувчи ип” машқидан иборат), Мактаб менежерларида лидерлик сифатларини аниқлаш тренинги (“Сафда” ўйини, “Ким қандай вазифада?” ва бошқа шу каби ўйинлардан иборат)дан фойдаланилди.

Мактаб менежерларининг жамоа фаолиятини тўғри ташкил этишга доир тренингларидан фойдаланишида қуйидаги талабларга амал қилиши ишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади:

1. Амалий тренинглари 20-30 та иштирокчиларидан иборат катта жамоада ташкил этиш.

2. Кичик гуруҳларга ажратишда ихтиёрийлик эмас, туғилган фаслига кўра, рақамлардан фойдаланган ҳолда ёки бошқа усуллар орқали хилма-хилликдан фойдаланиш.

3. Жамоа қарорини чиқаришда демократик тамойилларга амал қилинишига эътиборни қаратиш.

4. Кичик гуруҳларда ишлашга жамоа лидерини танлаш ихтиёрий бўлиши.

5. Жамоалар ўзаро соғлом рақобат ва ўзаро ҳурмат асосида ишлаши.

Иккинчи гуруҳ тренингларида мактаб менежерларининг шахсий фаолиятини бошқариш орқали амалий тайёрлашга қаратилди. “Мен лидерман(ми?!)” тренинги “Ўзгалардан ўрганимиз” машқи, “Шахсий кадриятларим” машқи, “Интервью” кейси кабиларидан иборат тарзда тузилди.

Мактаб менежерлари билан ўтказиладиган ушбу тренинглари уларни таълим сифатини бошқариш жараёнида шахсий фаолиятларини тўғри ташкил эта олишни ўргатишга хизмат қилади. Агарда қуйидаги талаблар асосида ўтказилса:

1. Шахсий фикр, қараш ва позицияга эгаллик қадрланиши лозим.

2. Ҳар бир иштирокчининг шахсий фикри, қарашини, позициясини ҳурмат қилиниши керак.

3. Фикрларни эркин баён этишга имконият яратилиши муҳим.

4. Ихтиёрийлик тамойили устунлик қилиши лозим (иштирок этиш, фикр билдириш, танлаш ва ҳ.к.).

Вақтни бошқара олиш (“Тайм менежмент”) малакаларини таркиб топтиришда “Вақт бошқарувчиси” тренинги, “Менежернинг беш хил вазифаси” тренингларида фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Тайм менежмент” тренинглари давомида тренерлар ва иштирокчилар куйидаги талабларга риоя этиши мақсадга мувофиқдир:

1. Реал вақт имкониятларини ҳисобга олиш.

2. Вақтни тақсимлашда режадан ташқари бўладиган ишлар учун вақт имкониятини ажратиш.

3. Дам олиш ва саломатлик учун ажратиладиган вақтлардан иш учун фойдаланмаслик.

4. Кун тартибини тузишда оптималлик, қўлланилувчанлик, унумдорликка эътибор қаратиш.

Ҳар бир йўналишдаги тренинглари ташкил этишда амал қилиниши лозим бўлган талаблар ушбу тренинглари сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот муаммосига доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва самарадорлик таҳлили диссертациянинг **“Мактаб таълими сифат менежменти моделини экспериментал ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида келтирилган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди.

Биринчи – аниқлаштирувчи босқичда эксперт баҳолашни имкон қадар объектив бўлиши учун сўровда Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятларидан жами 85 нафар эркак ва аёл мутахассислар жалб этилди. Шаҳар ва вилоят халқ таълими ходимлари томонидан танлаб олинган 38 нафар ходимлар эксперт сифатида иштирок этди. Улар 47 нафар мактаб менежерлари фаолиятларини диссертация тадқиқотлари доирасида махсус ишлаб чиқилган сўровномага мувофиқ эксперт баҳолашларини ўтказдилар ва менежерлар фаолияти баҳоланди.

Тайёрланган сўровнома асосини мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг юқорида келтирилган оптималлаштирилган мезонлар ташкил этди. Сўровни тўғри ташкил этиш, экспертларни баҳолаш учун стандартлаштирилган шароитларни яратиш учун ишлаб чиқилган усуллар тўпламига батафсил кўрсатма киритилди. Танланган мезонларни эксперт баҳолашни енгиллаштириш, олинган натижаларни талқин қилиш имкониятларини кенгайтириш, турли ёндашувларни кенгрок доирада қўллаш мақсадида анкетанинг махсус ишлаб чиқилган баҳолаш шкаласини киритдик:

1 дан 2 балгача – паст даража;

3 дан 4 балгача – ўртачадан паст даража;

5 дан 6 балгача – ўртача даража;

7 дан 8 балгача – ўртачадан юқори даража;

9 дан 10 балгача – юқори даража.

Эксперт сўровномалари таҳлили шуни кўрсатадики, мактаб менежерларида таълим сифатини бошқариш малакалари юқори кўрсаткичларни кўрсатмаяпти. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Мактаб менежерларида таълим сифатини бошқаришга доир назарий билимларнинг етишмаслиги.

2. Жамоани бошқаришга доир амалий кўникма ва тажрибаларнинг талаб даражасида эмаслиги.

3. Шахсий фаолиятни ташкил этиш малакасининг такомиллаштириш борасида махсус машқларнинг амалга оширилмаслиги.

4. Вақтни тўғри режалаштириш ва бошқариш (“Тайм менежмент”) малакаларининг яхши шаклланмаганлиги натижасида вақт етишмовчилиги муаммосининг мавжудлиги.

Тажриба-синов ишларининг биринчи – аниқловчи босқичида тўпланган маълумотлар асосида иккинчи босқичга доир фаолият ташкил этилди.

Тажриба-синов ишларининг *иккинчи – шакллантирувчи босқичида* тадқиқот давомида ишлаб чиқилган мактаб менежерларида таълим сифатини бошқариш малакаларини шакллантириш модели асосидаги методикага таянган ҳолда ишлар олиб борилди. Яъни мактаб менежерлари малака ошириш курслари тингловчиларидан 74 нафари тажриба ва назорат гуруҳларига ажратиб олинди.

Назорат гуруҳида 40 нафар тингловчи, тажриба гуруҳида 34 нафар тингловчи билан иш олиб борилди.

Тажриба гуруҳи тингловчилари ўқув режасига тадқиқот давомида ишлаб чиқилган “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модули асосида назарий тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Амалий тайёргарлик жараёни эса ушбу модулни ўқитиш давомида амалий машғулотларда тренинглардан фойдаланиш ҳамда дарсдан ташқари вақтда ушбу мавзу доирасида семинар-тренингларни ташкил этиш натижасида амалга оширилди.

Тренинглар машқлар, ишбилармонлик ўйинлар ва кейсларни ўз ичига олиб, уларни амалга оширишда тингловчилар жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ва жамоани, таълим сифатини бошқаришни ўрганиб бордилар.

Тажриба-синов ишларининг *яқуний – диагностик босқичида* тажриба ва назорат гуруҳидаги мактаб менежерларининг фаолиятлари ўрганилиб диагностика ишлари амалга оширилди. Диагностик тадбирлар ўзлаштирилган тажрибаларнинг амалда қўлланилиши имкониятига кўра ўқув курси бошланмасдан аввал бир марта, яқунлангандан 4 ой ўтиб ва 8 ой ўтиб икки марта амалга оширилди. Тажриба ва назорат гуруҳи иштирокчиларининг натижалари қиёсий таҳлил қилинди.

Баҳолаш жараёнида барча тақдим этилган ҳисоботлардан – ҳужжатлар, шунингдек, ўзларининг кузатувлари, суҳбатлари ва шу каби бошқа натижалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Эксперт сўровидан олинган барча натижалар умумлаштирилган шаклда мактаб таълимида сифат менежментини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитларини яхшилаш учун фойдаланилади.

Дастлабки ўрганишдан сўнг барча эксперт (3 такрорий баҳолаш) баҳолари умумий жадвалда умумлаштирилди (1-жадвал). Ушбу жараён ҳар бир мактаб

муассасаси учун ўртача статистик кўрсаткичларни мактаб сифатини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг тегишли мезон блоклари бўйича ҳисоблаш йўли билан амалга оширилди:

- мактабнинг ўқув жараёни;
- мактабнинг ташкилий ва бошқарув фаолияти;
- мактабни кадрлар билан таъминлаш;
- мактабнинг илмий-услубий фаолияти;
- мактабни ахборот технологиялари билан таъминлаш;
- мактабнинг моддий-техник таъминоти.


Шу билан бирга, эксперт баҳолашнинг якуний талқини тайёрланган эксперт сўровномасида қўлланилган ўн баллик шкалага ўхшашлик билан амалга оширилди.

Ушбу умумлаштириш олинган натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш имконини берди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини эксперт баҳолашнинг қиёсий таҳлил натижалари

	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини эксперт баҳолашнинг қиёсий таҳлил натижалари	Юқори	0	0,0	4	11,8	0	0,0	2	5,0
	Ўртачадан юқори	3	8,8	11	32,4	4	10,0	7	17,5
	Ўртача	9	26,5	16	47,1	12	30,0	21	52,5
	Ўртачадан паст ва паст	22	64,7	3	8,8	24	60,0	10	25,0
Жами		34	100	34	100	40	100	40	100



3-расм. Тажриба-синов ишлари натижалари қиёсий таҳлили

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион каторларга эга бўламиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

**Тадқиқот муаммоси бўйича тажриба-синов ишлари
умумий натижалари**

		1-танланма				
Тажриба гуруҳи	X_i	Юқори	Ўртачадан юқори	Ўртача	Ўртачадан паст ва паст	Жами
	n_i	4	11	16	3	$n=34$
		2-танланма				
Нazorat гуруҳи	Y_j	Юқори	Ўртачадан юқори	Ўртача	Ўртачадан паст ва паст	Жами
	m_j	2	7	21	10	$m=40$

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^4 n_i X_i = \frac{1}{34} (4 \cdot 5 + 11 \cdot 4 + 16 \cdot 3 + 3 \cdot 2) = \frac{1}{34} (20 + 44 + 48 + 6) = \\ &= \frac{1}{34} \cdot 118 = 3,47 \approx 3,4. \end{aligned}$$

$$\text{Фoизда } \bar{X}\% = \frac{3,4}{4} \cdot 100\% = 85\%$$

$$\begin{aligned} \bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^4 n_j Y_j = \frac{1}{40} (2 \cdot 5 + 7 \cdot 4 + 21 \cdot 3 + 10 \cdot 2) = \frac{1}{40} (10 + 28 + 63 + 20) = \\ &= \frac{103}{40} = 3,02 \approx 3. \end{aligned}$$

$$\text{Фoизда } \bar{Y}\% = \frac{3}{4} \cdot 100\% = 75\%$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(85-75)\% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{85\%}{75\%} = 1,13$ баробар ортиқлигини англатади.

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{4} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{4} \cdot 100\% = 10\%$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 10% га ошганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга тайёрлаш методикасининг самарадор эканлиги тажриба-синов ишлари давомида ўз исботини топди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси мактаб таълими тизимини такомиллаштиришнинг замонавий шароитида сифат қўйилган вазифаларнинг истиқболларини ва уларни амалга ошириш самарадорлигини олдиндан белгилаб берувчи категорияга айланиб бормоқда. Бу умумий ўрта таълим ёш авлоднинг, бутун замонавий жамиятнинг, хусусан, ҳар бир шахснинг ахлоқий ва интеллектуал ривожланишининг ўзига хос пойдеворига айланиши билан изоҳланади. Ривожланиш сифатида кўп жихатдан халқнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш жадаллигига, унинг жаҳон маконида тутган ўрнига боғлиқ. Шу муносабат билан бу жихат турли меъерий ҳужжатларда ҳамда таълим-тарбия жараёнини шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, таълим жараёни иштирокчилари эришган ютуқлар баёни билан олиб боришга қаратилган таълим ислохотларида ўз ифодасини топган.

2. Таълим сифатини муассасанинг таълим фаолиятининг маълум бир кўрсаткичлари тўплами сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир, бу унга тегишли компетенция даражасини шакллантириш қобилиятини беради. Шу билан бирга, мактаб таълими сифати атамасининг мазмуни умумий ўрта таълимнинг (натижада, жараён ва таълим тизими сифатида) кўплаб эҳтиёжлар, мақсадлар, шартлар ва стандартларга маълум бир мувозанатли мувофиқлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, иерархиянинг барча даражаларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан бир қаторда сифатни бошқаришга катта аҳамият берилади. Бундан ташқари, замонавий мактабни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи ўқув жараёнининг барча иштирокчилари ва биринчи навбатда, таълим хизматларининг асосий миждозлари - ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва давлат томонидан таълимга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради.

3. Назарий таҳлил натижалари, ушбу диссертация тадқиқоти мактаб таълими сифатини бошқаришнинг таркибий-мазмунли моделини тайёрлаш имконини берди. Ривожланиш ўзаро боғлиқ бўлган концептуал-тузилмавий, функционал-бошқарув ва диагностик-таҳлилий таркибий қисмларига асосланади, уларнинг ҳар бири таълим сифатини бошқаришнинг яхлит ва анча мураккаб жараёнининг босқичи бўлиб, ўз мазмунига эга. Биринчидан, концептуал-тузилмавий компонент мактаб таълимида ушбу жараённинг тўғри самарадорлигини таъминлайдиган илмий ёндашувлар, мақсад ва вазифалар, тамойиллар, сифат менежменти функциялари йиғиндисидан намоён бўлади. Иккинчидан, таълим хизматлари функционал-бошқарув компоненти

сифат менежментининг асосий бошқичларини лойиҳалаш ва режалаштириш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш, самарадорликни назорат қилиш, ҳаракатлар самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, маркетингни ўз ичига олади. Якуний, диагностик-таҳлилий компоненти асосан мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигининг тайёрланган мезонлари ва даражаларини ҳамда кутилаётган натижани ўз ичига олади.

4. Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, тегишли билим ва кўникмалар таълим менежерларига замонавий воқелик шароитида мактаб таълими сифатини бошқаришнинг таркибий-мазмунли моделини амалга ошириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, мактаб таълими сифатини бошқариш тизимини самарали амалга ошириш нуқтаи назаридан таълим менежерларининг назарий тайёргарлигини ривожлантириш мақсадида “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модули тайёрланди. Модулнинг умумий мантиғи учта маъруза ва иккита амалий машғулотни амалга ошириш орқали ҳал қилинадиган назарий ва амалий вазифалар йиғиндисиди ўз аксини топади.

5. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга амалий жиҳатдан тайёрлигини амалга оширишга қаратилган тренинглари тизими ўз таркибига машқлар, ишбилармон ўйинлар ҳамда кейсларни қамраб олган бўлиб, улардан фойдаланишда белгиланган принципаал талабларга амал қилиниши жараёнининг оптималлиги ва қўлланилувчанлигини, назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга хизмат қилади.

6. Мактаб таълими сифатини бошқариш самарадорлигини у ёки бу даражада баҳолаш имконини берувчи 56 та мезон кўрсаткичларини қамраб олган 6 та мезонлар блокидан иборат рўйхат белгиланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси шароитидаги замонавий мактабнинг турли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, танланган мезонлар бўйича эксперт баҳоси ташкил этилди ва олдиндан тайёрланган сўровнома бўйича ўтказилди. Ушбу мезонлар блоклари ўз моҳиятига кўра, бир вақтнинг ўзидида таълим жараёни, таълим тизими, таълим сифати ва бошқаруви натижалари нуқтаи назаридан олинган хулосаларни таҳлил қилиш имконини беради. Тўпланган натижаларнинг математик-статистик таҳлили мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга доир ишлаб чиқилган методиканинг самарадор эканлигини кўрсатади.

Тавсиялар:

1. Мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Мактаб таълими сифатини бошқариш” ўқув модулини тўлдирган ҳолда олий таълим муассасаларининг мактаб менежерларини тайёрлаш йўналишларида ўқитиш уларнинг касбий компетентлигини оширишга хизмат қилади.

2. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва самарадорлиги аниқланган мактаб менежерларида таълим сифатини бошқариш малакаларини такомиллаштиришга доир методикадан нафақат мактаб раҳбарлари малака ошириш курсларида, балки ташкил этиладиган ҳудудий семинарларда ҳам фойдаланиш умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошишига ёрдам беради.

3. “Мактаб менежерларини таълим сифатини бошқаришга амалий тайёрлаш тренинглари” номли услубий қўлланмани тайёрлаш ва нашр этириш мактаб раҳбарлари фаолияти давомида ўз устиларида ишлашлари учун ҳам муҳим манба бўлади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУРАЕВА НАРГИЗА ЖАМОЛИДИНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
УСЛОВИЙ ВНЕДРЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА
В ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ**

13.00.07 – Менежмент в образовании

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Ped2443.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Бегимкулов Узокбой Шотмуклович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нуруллаева Шахло Устамовна
доктор педагогических наук, доцент

Мирсолнева Мухаббат Тухташновна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Чирчиқский государственный
педагогический институт

Защита диссертации состоится «16» 04 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета по присуждению ученой степени при Научном совете Каршинского государственного университета за номером PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабог, 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, Педагогический факультет, кабинет № 217.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за №91). (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабог, 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56 e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «04» 04 2022 года
(протокол рассылки № 5 от «04» 04 2022 года).



Р.Д. Шолнев
Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.п.н., профессор

И.Б. Камалов
член Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.ф.н. (PhD), доцент

Ш.У. Нуруллаева
член Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени, д.п.н. (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день, международное сообщество волнуют вопросы качественного общего образования с проекцией на приобретение подрастающим поколением жизненных компетенций, обеспечивающих полноценное вхождение их в современное общество. Исходя из этого, качество школьного образования вступает предпосылкой безопасности государств, глобальной стабильности, залогом их перспективного развития и процветания в целом. Именно поэтому ЮНЕСКО считает образование приоритетным направлением своей деятельности. Качественное общее образование рассматривается как один из индикаторов высокого уровня жизни населения, условием обеспечения гендерного равенства, действенным инструментом социального и культурного согласия и экономического роста. И именно уровень развития качества школьного образования, науки, культуры и интеллектуальный потенциал населения в значительной степени предопределяет дальнейшие пути развития современного общества, влияет на способность цивилизации находить ресурсы для своего дальнейшего существования.

В этой связи, в развитых странах мира наблюдается тенденция существенного роста объемов инвестиций в человеческий ресурс, значительное увеличение внимания к показателям результативности образования, в том числе школьного, совершенствования процесса обеспечения равных возможностей для подрастающего поколения, в первую очередь, относительно получения ими качественного общего среднего образования, которое в значительной степени зависит от организационно-педагогических условий менеджмента качества школьного образования.

В настоящее время в нашей Республике на внутришкольном уровне менеджмента происходят процессы длительного и непосредственного воздействия как на обучаемых, так и на педагогический и родительский коллективы. Приоритетом является «Организация исследований и разработок в области стратегического и проектного управления, менеджмента, маркетинга, подготовки кадров, переподготовки и повышения квалификации в области информационных технологий и коммуникаций на основе передового опыта образовательных учреждений»⁴. А это в свою очередь, весьма актуализирует значимость компетентности менеджера образования, его готовности к практической реализации менеджмента качества школьного образования.

В данном аспекте настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан: УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования, воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года, ПП-4963

⁴ <https://www.lex.uz/docs/3564970> Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«О мерах по поддержке научно-исследовательской деятельности и внедрению системы непрерывного профессионального развития в сфере народного образования» от 25 января 2021 года, ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания» от 6 ноября 2020 года, ПП-4537 «О мерах по созданию современных школ» от 26 ноября 2019 года и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

